



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 11 июль № 28 (256)

Сотувда нархи эркин

ҲАММАСИ МАЛАКАГА БОҒЛИҚ

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Буни исботлашнинг ҳожати йўқ. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муаммолар ҳар бир жамоадан, мутахассису раҳбардан юксак савия ва малака талаб қилмоқда. Буни яхши англаган корхона ва ташкилотлар ўз ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш йўлида турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимида фаолият курсатаётган «Аломат-Аудит» фирмасида Республика Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари иштирокида бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда фирма аудиторлари, вазирлик ҳамда «Ўз-маҳаллийтелеком» Давлат маҳаллий электралоқа бирлашмасидан мутахассис-ҳодимлар қатнашди.

Республика Давлат солиқ

қўмитасининг масъул мутахассислари — Алишер Файзиев, Худойберди Маҳмудов, Исмоил Раҳимбердиев, Очил Ганиевлар солиқ тизимидаги ўзгаришлар, янги қўлланма-ҳужжатлар ҳамда солиқ турлари тўғрисида маъруза қилишди. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Биз анжуман сўнггида «Аломат-Аудит» фирмаси раҳбари Бағдод Маҳаметович МАҲАМЕТОВ билан суҳбатлашдик.

— Яқинда фирмамизда аттестация ўтказилган эди, — деди фирма раҳбари. — Аттестация фирмамиз ходимлари малакаси қай даражада эканлигини курсатди. Шу боис ҳам энди биз ҳар олти ойда аттестация, ҳар уч ойда эса турли анжуманлар, уқув машгулотлари ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Бу тадбирлар ишимиз ривожига сезиларли ижобий таъсир курсатишига ишончим комил.

Дарҳақиқат, юқори малакали ходимларга эга бўлган корхона, ташкилот ҳар қандай масъулиятли паллада ҳам ўз ишини бекаму-куст бажариб, эл ишончини қозонаверади.

Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ

Жорий йилнинг 30 июнь - 1 июль кунлари Тошқанда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти иштирокида вазирликнинг Илмий-тектириш маркази ташаббуси билан «Алоқа соҳасида стандартлаштириш» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, корхоналар, муассасалар, Алоқа вазирлигига қарашли концерн, қўша корхоналар, чет эл фирмаларидан мутахассис-ҳодимлар қатнашди.

Семинарни Илмий-тектириш марказининг бошлиғи Р.И. Исаев очиб, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоевнинг семинар қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг биринчи ўринбосари В. Л. Штейнберг сузга чиқиб, алоқа

булим бошлиқлари — М. Ж. Соедиқова, А. Р. Сувонов, Илмий-тектириш маркази бошлиғининг ўринбосарлари — техника фанлари номзоди В. М. Дворин, З. Б. Гивсов, С. Ш. Кутбидинов, ходимлардан — В. П. Коваль, С. Н. Страхова, У. И. Бойқулов, Ўзбекистон давлат алоқа

КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

соҳасида бўлаётган муҳим ўзгаришлар, телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш, телекоммуникация ва почта хизматида дунё сифатини белгилوучи тизимга ўтиш кераклиги, тармоқда стандартлаштириш йўл-йўриқларини қисқа вақт ичида ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг кенгаш раҳбари, Илмий-тектириш маркази бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент Р. И. Исаев «Алоқа соҳасида 2005 йилга стандартлашнинг концептуал масалалари» мавзусида маъруза қил-

лойхалаш институти бош мутахассиси В. А. Сухорук, Ўзбекистон стандартлаш, метрология, сертификация ва сифатни бошқариш, кадрлар тайёрлаш институти илмий булим бошлиғи, техника фанлари номзоди А. Б. Содиқов, катта илмий ходим В. Ф. Гольцовларнинг алоқа соҳасида стандартлаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисидаги маърузалари тинланди.

Мазкур тадбирда алоқа соҳасида стандартлаштириш борасидаги муҳим тасвиялар қабул қилинди.

Солиқ ЗОИР



Район РАҲИМОВА пойтахтимиздаги Германиянинг «Алкатель» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган 73-АТСда муҳандис бўлиб ишлайди. У мазкур станция курилишида ҳам фаол қатнашди.

Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

Наманган шаҳар телефон-телеграф станциясида дебитор қарзларини камайтириш ва олдиндан бир йиллик абонент ҳақини тўлиқ тўлаган мижозларни рағбатлантириш мақсадида «Лотерея» ўйини ўтказилди. Тадбирда «Наманган ҳақиқати» газетаси, вилоят «Нуроний» меҳнат фахрийлари кенгаши ва «Камолот» ёшлар жамғармаси бўлимлари ҳамда вилоят телерадиокорпорацияси вакилларидан иборат ҳакамлик аъзолари голиблар-

ҚАЛОВИНИ ТОПИШДИ

ни аниқлади. Ҳакамлар ютуққа қўйилган 5 та замонавий телефон аппаратлари, 5 та қимматбахо соат ва 10 та «Бир йиллик абонент ҳақи имтиёзини ўз эгаларига топширди. Лотерея ўйини вилоят телевидениесида намойиш қилинди.

Тадбирнинг уюшқоқлик билан ўтишида Наманган вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси маркетинг хиз-

мати бошлиғи Д. Андреева ва Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси маркетинг хизмати бошлиғи З. Мўминовларнинг хизмати катта бўлди.

Уйин якунида сўз олган Наманган шаҳар телефон-телеграф станцияси бошлиғи И. Раҳимов келгусида бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилишини таъкидлади.

М. ВАЛИЕВ,
Наманган шаҳар
телефон-телеграф
станцияси бошлиғи
ўринбосари

- Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.
- Вазирлар Маҳкамасида Бosh вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитасининг йиғилишида ушбу тадбирга тайёргарлик масалалари куриб чиқилди.
- Байналмилал маданият маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамда Республика Фанлар академиясида Президент Исмоил Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтди.
- Гидрометеорология бosh бошқармасида мамлакатимизда иклим ўзгаришини тадқиқот қилишга бағишланган аънавий семинар ўтказилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

- Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Инсонга мурожаат» аънавий халқаро кинофестивали якунланди. Хўж-жатли, қисқа метражли ва анимацион фильмларнинг бу киноанжумани тарихида илк бор бosh совини — «Олтин кентавр» ҳаюртимиз, режиссер Шўхрат Маҳмудовга насиб этди. У ўзининг «Қора кўл» асарини учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.
- Туркманистон Россия ва Озарбойжон томонидан Каспий денгизиде янги нефть конини ўзлаштиришни бошлаш тўғрисида имзоланган битимни бекор қилишни талаб қилмоқда. Мазкур давлат раҳбарининг фикрича, янги нефть кони Туркманистонга тегишлидир.
- Львов яқинида НАТО ҳамда Европа ва Ҳамдўстликнинг қатор мамлакатлари ҳарбий бўлинуларининг «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасида биргалликдаги машқлари бошланди.
- АҚШнинг Марсга қўнган «Гитфайндер» автомат станцияси «қизил сайёра»нинг дастлабки суратларини Ерга узатди. Станциядаги ўзиниқар аравача эса Марс сатҳини тадқиқ қилишга киришди. Унинг бу сайёрада камиде бир ой ана шундай тадқиқотлар олиб боришни мўлжалланган.
- Тайванда рўй берган сув тошқини оқибатида 8 киши ҳалок бўлди. Табиий офат мамлакат иқтисодиётига 60 миллион доллар миқдориде зарар келтирди.



— Жаҳонгир ака, нега айнан алоқа соҳасини танлагансиз?

— Ёшлигимда радиого қизиқардим. Мен учун радио жуда жозибали, сирли ва мафтункор олам эди. Шу сабаб бўлдики 1957 йили 10-синфни тугатган, Галласий алоқа боғламасига радиомантурликка ишга кирдим. Радиого қизиқишим сабабли бу касбнинг сирларини тезда ўрганиб олдим ва шу тариха елкамда симёғочга чиқадиган мослама, асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар солинмаган мантурлик сумкасини кўтарганча кунига қанчадан-қанча йўлларни пайда босиб ўтадиган фаолиятим бошланди. У вақтларда ҳали телевизиорлар йўқ, радиоприёмниклар ҳам ҳамма хонадонларда бўлавермас, шунинг учун ҳам маҳаллий радионуюқталар кўпчилик учун ягона ахборот манбаи ҳисобланарди.

Қишлоқ жойларида ҳамма бир-бирини яхши танийди. Кўчада пайдо бўлишим билан атрофимни болалар ўраб олишиб, бир-бирига гал бермай қайси хо-

ФИЖДУВОН НОНИДЕК ШИРИН КАСБ

Узоқ йиллар алоқа соҳасида ишлаб, унинг ривожига катта ҳисса қўшган, ҳаёт йўли машаққатли соҳанинг қувонч ва ташвишлари билан қоришиб кетган меҳнат фахрийлари кўп. Шулاردан бири Бухоро вилояти, Ёғдудов тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Жаҳонгир ТУРДИЕВдир. Мухбиримиз Жаҳонгир ака билан учрашиб, сўхбатлашди.

надонда радионуюқта ишламаётгани юз касрда сим узилиб кетгани борми ҳаммасини гапириб, ўша хонадонларга мен билан бирга кибриб чиқаверишарди. «Соқов» бўлиб қолган радио бирдан тилга кириб, ундан ёқимли куй-қўшиқ таралгач, чапак чалишиб, уйинга тушиб кетишар, хонадондаги кексалар эса елкамга қоқиб, «Раҳмат, ўғлим, худое умрингдан баракат топ» деб дуо қилишарди. Одамлар қалбига қувонч олиб киролганим менга куч-қувват бағишлар, ишлаб чарчамас эдим.

— Алоқачи сифатида босиб ўтган йўлингиз ва шу вақт мобайнида алоқа техникасининг ривожига ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Ёш бўлсам ҳам мажлисларда номим илгорлар қаторида тез-тез тилга олинмаган бўлиб қолди. 1959 йили Вобкент туманига радиомантурликка ўтказишди. 1962 йили Тошкент Алоқа техникумига (ҳозирги Алоқа коллежи) ўқишга кирдим. Ўқишни битириб келгач, Вобкент тумани почта бўлимида бош оператор вазифасида ишладим. Кейинроқ Ёғдудов туманидаги Сармижон алоқа бўлимига бошлиқ, 1968 йили Ёғдудов

алоқа боғламасига бошлиқ ўринбосари этиб тайинлашди. 1970 йили Навоий (Кармана) туман алоқа боғламасига бошлиқ бўлдим. 1975 йили Галласий туман алоқа боғламаси бошлиғи, 1988 йилдан эса Ёғдудов туман электралоқа боғламаси бошлиғи вазифасида ишлаб келяпман.

Йиллар ўтиши билан одамлар ҳам, алоқа техникаси ҳам ўзгариб бораверди. Мен иш бошлаган дастлабки йилларда туман марказларида бор-йўли 100 абонентга мўлжалланган маҳаллий батареялик (МБ) коммутаторлардан, телеграфда эса Морзе аппаратларидан фойдаланишарди. Кейинчалик бу коммутаторлар ва телефон аппаратлари марказий батареяликларига (ЦБ) алмаштирилди. 1971 йили 1000 рақамлик декадали-одинлаб ишловчи АТС ишга туширилди. 1980 йиллари координат тизимидаги АТСлар пайдо бўлди. 1990 йилдан буён эса тармоғимизда «Квант» деб номланувчи электрон АТС, ИКМ-480, ИКМ-15 каби электрон жиҳозлар ишлатилиб келинмоқда. Яқинда Япония фирмалари билан тузилган шартномага биноан марказий АТС-миз, тармоғимиздаги мавжуд 15

та кичик АТСларимизни замонавий электрон АТСларга алмаштириш борасидаги лойиҳа ишлари бошлал буюрди. Радиоэтиштириш тармоғини ҳам бутунлай ўзгартириб, эштиришларини эфир орқали амалга ошириш режаларини тузаяпмиз.

— Иш фаолиятингизда раҳбарлар билан баҳслашиб, жазо олган, лекин охир-оқибат Сиз ҳақ бўлиб чиққан воқеалар ҳам бўлганми?

— Саволингизга кўплаб мисоллар келтиришим мумкин. Навоийда ишлаб юрган кезларим эди. Янги АТС қуриямиз. Шу муносабат билан шаҳарда телефон канализацияси қурилиши керак. Тошкентдаги «Союзтелефонстрой» деган қурилиш ташкилотидан мутахассислар келишган. Туман партия кўмитасининг биринчи котиби дам олишга — Кисловодска кетган, иккинчи китоб эса «бир қарич ҳам асфальтни бўзмайсан!» деб қурилишни бошлашга русат бермади. Роса тортишди, натижа чиқмади. Бу ёқда қурувчилар «ишламайди» деб туришибди. Охири Кисловодскага — биринчи телефон қилишга мажбур бўлдим. Бирин-

чи рўхсат бердилар, шундан кейингина ишни бошладик. АТСлар ишга тушиб, телефон алоқасида катта ўзгаришлар бўлганидан сўнг биринчи шу воқеани эслаб, менга ҳатто «раҳмат» деб қўйдилар.

— Алоқачилик касбини танлаганингиздан афсусланмайсизми?

— Йўқ, Айнан шу касбим туфайли доимо одамлар орасида бўлдим. Алоқачи жамиятдаги, кундалик ҳаётимиздаги ўзгаришлар, долзарб муаммо ва воқеаларнинг бевосита иштирокисига айланиб қолади. Мен бир умр шу касбнинг қувонч ва ташвишлари билан яшадим. 1980 йили Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини сирдан тугатдим. Туман раҳбарлари менга туман прокурорининг ёрдамчиси, туман ижтимоий таъминот бўлими мудири вазифаларини таклиф этишди. Алоқачиликдан бошқа касбда ишлашни тасаввур ҳам қила олмадим. Оиламизда мендан бошқа яна икки ўғлим алоқачилик касбини танлашган. Бу касб оиламизда давом этаётганидан хурсандим.

Ҳар ким ўз севган касбини ардоқлаши керак. Шундагина ўз соҳасининг яхши мутахассиси бўлиши, элда эътибор қозониши мумкин. Алоқачилик шарафли ва машаққатли касбдир. Шу сабабли алоқачининг нони бизнинг Ёғдудов нонидек ширин дегим келади, зеро эл хизматига елиб-югуриб, пешона тери билан топилган нон ҳаминша тотлидир.

Тўққин ЛУТФУЛЛАЕВ
сўхбатлашди

БИЗНИНГ КЕНЖА АКА

Чироқчи туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Кенжа Жуманов 50 ёшга тўлди. Кенжа ака меҳнат фаолиятини 1970 йили туман ёшлар кўмитасида бўлим мудириликдан бошлаган. Сўнг-ра турли вазифаларда меҳнат қилди. 1986 йилдан бошлаб Чироқчи туман почта алоқа боғламасига етакчилик қилмоқда.

Туман почта алоқа боғламаси таркибида 40 та алоқа бўлими бўлиб, 113 нафар ходим аҳолига почта хизмати кўрсатиб келмоқда. Корхона раҳбари Кенжа Жуманов ходимларга меҳнат шaroитини яратиб беришга интилиди. Бу ниятга эришиш ҳам. Туманда унинг раҳбарлигида Алоқа уйи қурилади. Ишлаш учун шарт-шaroити тўқис бўлгани учун ҳам туман почта алоқа боғламаси аҳолига хизмат кўрсатиш сифати бўйича вилоятда олдинги ўринларда туради. Жорий йилда ҳам барча алоқа бўлимлари таъмирланди. Мазкур алоқа бўлимларига бориб, ходимлар билан юзма-юз сўхбатлашсангиз, одамларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва талабчанликнинг омухта эканлигида гувоҳ бўласиз. Боғлама ходимларидан О. Бойбекова, П. Омонов, Р. Рузикулов, Ф. Қодиров, С. Долисевалар К. Жумановнинг раҳбар сифатидаги ибратли фазилатлари ҳақида самимий гапиришди, «Бизнинг Кенжа ака»



дея у билан фахрланишди.

Жонқур раҳбар боғлама ходимларининг туй-ҳашамларига бош-қош бўлади. У корхонада ишлаб, нафақага чиққан фахрийларни йўқлаб туришни қанда қилмайди.

Кенжа аканинг беш нафар фарзанди бор. Угли Хуршид отаси каби алоқачи бўлиш ниятида.

Биз почта ходимлари Кенжа Жумановни тугилган кунини билан муборакбод этиб, у кишига сийҳат-саломатлик, ишларида омад тилаймиз.

Резво ҚИЛИЧЕВА,
Қашқадарё вилояти давлат
почта алоқа корхонасининг
ходимлар бўлими бошлиғи

налар, хат-хабарлар, шошилинчома ва тулов қозғоларини саралайди ва эгаларига етказилади.

Люда опа хизмат кўрсатадиган худуд Юнусобод туманининг 14-даҳасида жойлашган. Бу ерда 19 та куп қаватли уй бор. Ана ўша маҳалла аҳлига хат-хабар, газета-журналлар келтириб беради. Кишиларнинг турли ил-

га қарамай, ҳукуматимиз на-фақани вақтида таъминлаб турибди. Нафақа пуллари гоҳи-гоҳида, шундаям фақат 1-2 кунга кечикяпти, холос...

Хат ташувчилар зиммасига режага қўшимча равишда яна имкониятга қараб матбуот нашрларини сотиш вазифаси ҳам юкланган. Бу борада ҳам Люда опанинг кўрсаткичлари чакки эмас. У ҳар ойда 2,5-3 минг сумлик газета-журналларни сотиб, ҳам корхонасига, ҳам одамларга наф етказмоқда.

Умр оқар сув экан. Мана, Людмила Комилованинг узи ҳам нафақа ёшига етай деб қолди. Опанинг чаққон ҳаракатларини кузатган одам уни нафақа ёшида деб уйла-майди.

— Одамлар хизматида бўлиб, уларга яхшилик улашиб яшаш кишини қаритмайди, — дейди Люда опа.

Ҳа, савоб иш одамни яшартириб-яшнатиб юборади.

Гулноза НИШОНБОЕВА,
Тошкент шаҳар, 83-ўрта
мактаб ўқувчиси

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЯХШИЛИК ҚАРИТМАЙДИ

тимосларини бажаради: биров газетга обуна қилишни, бошқаси электр ҳақини тўлаб қўйшни сўрайди. Бундай илтимослар ерда қолмайди. Шу боис ҳам 14-даҳа одамлари билан қадрдон бўлиб қолган. Айниқса, Люда опа бу ердаги 400 нафар нафақачига ой бошларида пул олиб келганида уларнинг хурсандчилигини курсангиз эди.

— Ишқилиб, нафақа пуллари вақтида бериляптими? — сўрайман опадан.

— Шукр, — дейди почтачи. — Утиш даври қийинчиликлари

ТОШКЕНТ ШАҲАР 44-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 12 июлидан 13 июлигача 44-АТСда абонентларнинг телефон рақамларини «7» лик рақамларига ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Абонентнинг эски телефон рақами олдига «1» рақами қўшиб терилади. Масалан, аввалги телефон рақами 44-23-23 бўлса, энди у 144-23-23 бўлади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҚИЗИҚУВЧИ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ташқиттаъминоталоқа» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қўйи-даги маҳсулотларни:

МД-380 а

МД-87 а

МД-85 а микрофонлари,

«ДЭУ» фирмасининг ҳар хил турдаги видеоиккиликлари, велосипедлар, АКМД-25 иссиқлик қозонларини таклиф этади.

Барча маҳсулотлар бозор нархларидан арзон баҳоларда, пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Мувожаат учун телефонлар: 136-36-27, 91-65-10.

Манзилми: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси 15.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли Собиржон ТУРСУНОВ!

Сизни 12 июль — туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ, аудиторлик ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамиша Оллоҳ сизга мададкор бўлсин.

«ЛОМАТ-АУДИТ»
аудиторлик
фирмаси жамоаси

БУЛ КЕЧА ЮРАККА БЕРКИНИБ БЎЛМАС

КЎКЛАМДА

Жарликлар лабидан ўсаверди гул,
Қиличларни кесди ҳилолнинг нури.
Соҳир бўлди олам, соҳир бўлди дил,
Кўзимни куйдирди қадримнинг кўри,
Осимон тобора келди яқинлаб,
Сим-сим ёмғирлардан сўкилди харсанг.
Билди, ҳайратланаверди чақинлар...
...Ернинг висолига чиқди етти ранг.
Туйдим олам аро жаннатий анбар,
Кун сайрида сафо бўлди муҳаббат.
Дил уфқида лутф қилди пайгамбар,
Муқаддас, муқаддас.
Азал улуг эдим — Ҳазрати Одам,
Мусаффо руҳимдан эмасман жудо
Сўз айтдим сел бўлиб бодисабодан
Сўзим — ибодатим, маҳбубим — худо.

ЎЛАРИ

(Лутфий газалларини ўқиб)

Сўз истадим гўзал сўзлардан гўзал,
Ҳар гўзал сўздан-да ўзинг соҳира.
Сенга кўз тикканлар энг аввал сезар,
Ки севиб қолурлар ахири.
Вужуди руҳсан сен, сенинг юзингда,
Бокира субҳинг ҳаваслар бор.
Оху нажот истаб юрар кўзингдан,
Сабо яноғингда сезар надир бол.

«Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп» деганларидек, жаннатмакон юртимиз ва шоиртабиат халқимизда шоир кўп — ҳар бирининг ўз сози, ўз овози, ўз оҳанги, ўз сеҳру жозибаси...
Куйида шеърят бўстонига умид билан кириб келаётган шоирлардан бири Нурилла НАРЗУЛЛАЕВнинг шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сендан бўса тилаб учар болу-пар,
Тошлар нафасингдан истаб ётар жон.
Кумрилар илқингга юқинмоқ истар,
Белингга ўранмоқ истар оқ илон.
Тонг эмас хор бўлса кўзи ёшларинг,
Шамсу-ҳилоллари келмаса хушга.
Тиниқ товошини ўпар сочларинг,
Киприкларинг ишиқ қошингга тушган.
Сен хурсан, сен нурга асира хаёл,
Либосинг ёғдудан эса-да ситам.
Келмасмикан дейди сийнангга малол,
Сенга раҳми келар капалақнинг ҳам.
Озурдаман шеърим гулшани аро,
Келсанг бу маъвога Лутфий билан кел.
Сени туюлмайман эй, нозик адо!
Тонг чоғида кўкка олиб учса ел.

СОҒИНЧ

Менинг вужудимни куйдирди еллар,
Сабо тинидай ботди қорамуғимга.
Сийнамни яралаб ёғди ёмғирлар,
Бир дарё беркилди бағр-кўзимга.
Тоиди кўзларимдан бул кеча ҳижрон,
Кесди кўкрагимни ишқ-шафқат билмас.



Буْتُқул паноҳ излаб кетаётирман,
Бул кеча юракка беркиниб бўлмас.

...Ва ҳариз бошини тутмас мажнунтол,
Азал сўлим чехра, то абад намгин.
Фанодан ҳеч нима топмаган шамол
Фақат шу фанода кезади мангу.
Беш қитъадан излар заррин қонона,
Оқ-оппоқ заъфар ва яшил фаслар.
Ернинг қатламлари бўлар афсона,
(Китобнинг қатига сизмас асрлар).
Авлод учун кетар маҳрам-ётларим
Туби йўқ ўйларга ташлаб лошини.
Ҳали бу дунёнинг донишмандлари
Кўп ийғлар оғочга сўяр бошини.
Шу заминда инсон яшар экан, бас,
Англайди, бу олам — илоҳий асрор.
Дилмини ёққан дард бебақо эмас,
Дилларга ўт кўяр тақрор ва тақрор.

Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ

• Бу — қизиқ

КЕЛИН ЎҒИРЛАШ

Расмий маълумотларга қараганда, Намибияда ун бир турух элатлар истиқомат қиларкан. Уларнинг урф-одатлари ва никоҳ маросимлари бир-биридан фарқ қилади. Ана шулардан бири — оваимба қабиласининг никоҳ маросимлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Маҳаллий дехқон Музарима Кавари узларининг никоҳ маросимлари ҳақида шундай сўзлайди: «Қадим замонларда долба — келин учун қалин — чорва, турли рўзгор буюклар билан тулганар эди, ҳозир эса бир неча ишча ичкилик долба урнига ўтаверади...»

Оваимбалар олати буйича келинни қуевнинг отаси танлайди, у ишни келиннинг ота-онаси билан битиради. Булажак қариндошларининг кейинроқ келишини тайинлаб, кузатиб қуйишади (яъни, келин унашилади). Музокаралар анчагача давом этади, айна лайтда қизнинг фикри инобатга олинмайди. Ниҳоят, келишилгач қурбонликка қуй суйилади. Шундан сунг келиннинг ота-онаси, албатта қуев ботанидан кейин қуевнинг қулбасига ташириб буюрадилар-да, унинг хузурида тиз чўкади: бу — янги қариндошлик алоқаларига ҳурмат белгисидир. Одат буйича қуев ва келин бир қулбада танҳо тунаб қоладилар, аммо улар қурпа вазифасини ўтовчи похол тўшакда алоҳида-алоҳида етишади.

Эртаси кунни сахарлаб қуев ке-



лининг қулбаси яқинида жойлашиб олади, отаси эса тўйга келадиган меҳмонларга таом тайёрлаш учун яна бир қуй сўяди. Шундан сунг тўй тантанаси бошланади. Бир гуруҳ эркаклар келинни олиб кетиш учун бакириб-чакириб қўшиқ айтиб, келин жойлашган қулбага бостириб киришга ҳаракат қилдилар. Хотин-қизлар уларнинг хужумига астойдил қаршилик кўрсатишади. Олишув вақтида рақиблар ҳатто бир-бирларини ерга қулатиб ҳам юборишади. Бу ҳеч кимни ранжитмаслиги керак. Чунки келин уғирлаш байрам тантанасидай ўтиши лозим. Мабодо эркаклар қизни олиб кетишолмаса, улар хотин-қизларга товоон тулашга мажбур бўладилар.

Ниҳоят, келин қулга киритилгач, уни муқаддас гулхан яқини-

га олиб келишади. Шу ерда келиннинг отаси қизига ўз пойабзалини қийишга рўхсат беради, бу уйдан кетишининг мумкин, деган маънони англатади. Энди навбат қуевга келди. Муқаддас гулхан олдида келиннинг қариндош-уруғларидан ташкил топган аёллар тудаси қулларда қаркидон терисидан ясалган қамчи воқитасида қуевни савалайдилар-да, келинни олиб кетишга рўхсат берадилар. Шундан сунг умумий тантана остида келин ва қуев янги ясаганидан қулбаларига кириб кетадилар-да, тингчина ҳордик чикарадилар. Шу билан тўй тантанаси тўтаб, меҳмонлар уй-уйларига тарқайдилар.

Шуниси қизиқки, оваимба қабиласида қўхотинчиқ ҳамон учраб туради. Агар қуев яна уйланса, бу маросим яна тақрорланади.

Икки хизматчи сўхбатлариди:

— Айтишларича, бошлиғимиз штатларни қисқартирармиш...
— Директоримиз хотини билан аразлашиб қолибди, энди унинг ҳамма қариндошларини ишдан бушатармиш.

Полиция бошлиғи изқуварни қойиб, деди:

— Ахир сен жиноятчининг изидан тушган эдинг-ку, қандок қилиб уни қулдан чиқарвординг?

— Орқасидан кузатиб келаётган эдим, у кинотеатрга кириб кетди.

— Хуш, сен-чи?

— Мен бу кинони қурган эдим, кириб ўтирмадим.

ЯНГИСИДАН ЭШИТИНГ

Суля айбланувчиға деди:

— Янглишмасам, жиноятингиз сизнинг доимо жиноятчилар муҳитида уралашиб юришингиз оқибатидир.

— Тўтти айтасиз, мен бир умр милиция, прокуратура ва суд билан алоқадаман.

Ута семириб кетган бир одам озмоқчи бўлиб, духтирдан маслаҳат сурабди.

— Сизга шўрванинг суви, сузма, бутқа билан кифояланишни тавсия қиламан.

— Хуш, бу нарсаларни овқатдан олдин сйманми еки кейин?

— Хуш, шундай қилиб сизнинг қўхотинчилигингиз ҳақидаги айблов тасдиқланмади, — эълон қилди судья. — Энди хотинингиз олдиға қайтишингиз мумкин.

— Уф-ф... қайсиниғиза борсам экан-а!?

Хотини билан жанжаллашиб қолган эр хит бўлиб деди:

— Наҳотки сен қариндошларимдан бирортасини ҳам ёқтирмасанг?

— Нега ундай дейсиз? Қайнотангиз билан қайнонангизни жу-да ҳурмат қиламан-ку!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ

Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАХМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриёв АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. **ИНДЕКС:** 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўлёмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0481. 9476 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00, 8.30 «Лафтонга»
8.30 «Ўзбекистон фильми» намойиш этади: «Муслика бустон».

19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» мехмонхонаси.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оханлар ва Эълонлар.
21.10 Киноингоҳ.
22.25 «Атас».



8.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Бензор сонаткор».

19.55 «Омонлик таймиз».
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Итисон анифбоси».

00.35 — 00.45 «Доракчи».
17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.05 Балаюр учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари». 1-серия.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Йилди ороп сир». Мультфильм.
18.20 «Эшил дунё». Публицистик кўрсатув.

21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениси.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Цирк мойдонига йўл». Бадий фильм.
22.50 «Чотқол тизмаларида». Телефильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Ўй ўтирибмиз». Бадий фильм.

0.00 «Кўзминоска».
0.15 «Виждон». Телесериял. 11-серия.
10.00 Янгиликлар.
9.15 «Ушш илдан сўнг». Телесериял.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 «Сриптош». Мульттўпلام.
18.20 «Ув ости дунёси».
18.25 «Спорт қитаси».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 Янги анифбоси ўрганамиз.
11.30 «Фитча». Бадий фильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Доракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Фар экон-да, йўк экон...».

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

СЕШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олом ва одам».

19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.35 «Фолти минораси» мехмонхонаси.
20.25 Эълонлар.
20.55 Оханлар ва Эълонлар.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Қушиқ ва роқслар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сувариш». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сувариш». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Ўй ўтирибмиз». Бадий фильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 «Сриптош». Мульттўпلام.
18.20 «Ув ости дунёси».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

ПАНЖАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Кимё.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Ўй ўтирибмиз». Бадий фильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Доракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Фар экон-да, йўк экон...».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

ЖУМА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

Укув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
11.30 «Ўй ўтирибмиз». Бадий фильм.

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Доракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Фар экон-да, йўк экон...».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

(«Тошкентдан гапирмак» ва «Кўрсатувлар» теледастуридан олинди).